

“Тасдиқлайман”



**Ўзбекистон Республикаси
Олий аттестация комиссияси
райси**

А.Т. Юсупов
30 декабрь 2020 йил

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан
кўрсатиладиган «Илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан
олиш ва нострификациялаш» давлат хизмати Регламенти**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (Ўзбекистон Республикаси ОАК) «Илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш» давлат хизмати Регламенти (кейинги ўринларда регламент деб юритилади), талабгор ишлаб турган ташкилотнинг мурожаатномаси ёки талабгорнинг аризасига мувофиқ, хорижий давлатлар аттестация органлари томонидан 1992 йил 1 январдан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб ва ишлаб турган чет эл фуқароларига фан доктори ва номзоди илмий даражалари берилгани ҳақидаги ҳужжатлар, шунингдек, хорижий давлатларда фалсафа доктори (PhD) ва унга тенглаштирилган илмий даражалар олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринда ОАК деб аталади) томонидан нострификацияланиш (қайта аттестациядан ўтказиш асосида тенглаштириш) тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ОАКга талабгор ишлаб турган ташкилотнинг мурожаатномаси ёки талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий- педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 937-сон қарори талаблари асосида кўриб чиқилади.

3. Тақдим этилган ҳужжатларни ОАКнинг тегишли соҳа бўйича эксперт кенгаши кўриб чиқиб, диссертацияни илмий экспертизадан ўтказиб, ўз хулосасини чиқаради.

ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси эксперт кенгаши хулосаси ва ОАК Котибияти фикри асосида ўз тавсиясини ОАК Раёсати муҳокамасига тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатлар, зарур ҳолларда, ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси қарори билан тегишли илмий ёки илмий-тадқиқот муассасага ёхуд илмий даражалар берувчи илмий кенгашга жамоавий тақриз учун юборилиши мумкин.

4. ОАК Раёсатининг олий малака ҳақидаги ҳужжатларни нострификациялаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ҳудудида кучга киради. Ҳужжат эгаларига ОАК

Раёсатининг қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг илмий даража дипломлари берилади.

5. Фан доктори илмий даражаси ҳақидаги дипломни нострификациялаш муддати уч ойдан, фан номзоди илмий даражаси, фалсафа доктори (PhD) ва унга тенглаштирилган хорижий мамлакатлар илмий даражалари дипломларини нострификациялаш муддати икки ойдан ошмаслиги керак. Зарур ҳолатларда ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси қарори билан уч ойгача узайтирилиши мумкин.

6. Илмий даража ҳақидаги дипломларни тенглаштириш масалалари юзасидан ОАК Раёсати чиқарган қарордан норози булган даъвогар қарор чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида ОАКга апелляция шикояти билан мурожаат қилиши мумкин.

7. Хорижий давлатларда берилган илмий даражалар ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади ва хизмат натижасида олинган ҳужжат муддатининг амал қилиш муддати чексиз ҳисобланади.